

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

НИЁЗОВА САЛОМАТ САПАРОВНА

**ШАХСГА ҚАРШИ ЗЎРЛИК ИШЛАТИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН
ЖИНОЯТЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Ниёзова Саломат Сапаровна

Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган
жиноятларнинг виқтимологик профилактикаси.....3

Ниёзова Саломат Сапаровна

Виқтимологическая профилактика преступлений против личности,
совершаемых с применением насилия.....31

Niyozova Salomat Saparovna

Victimological prevention of crimes against person
committed with violence.....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....64

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

НИЁЗОВА САЛОМАТ САПАРОВНА

**ШАХСГА ҚАРШИ ЗЎРЛИК ИШЛАТИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН
ЖИНОЯТЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2020

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/Yu47 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Рахмонова Сурайё Махмудовна

юридик фанлар доктори, доцент

Отажанов Абдоржон Анварович

юридик фанлар доктори, профессор

Расулев Абдулазиз Каримович

юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси

Ҳарбий-техника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «5» июнь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48; e-mail:info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (913-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил «13» мартда тарқатилди.
(2020 йил «13» мартдаги «17» рақамли реестр баённомаси).

У.А.Тухташева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

Д.Г.Камалова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Г.З.Тулаганова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Кириш (Фан докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда глобаллашувнинг жадаллашуви зўравонликнинг ортаётганлигидан далолат бермоқда. БМТнинг маълумотларига кўра, «2019 йил дунё бўйлаб ўтказилган тадқиқот натижалари, дунёдаги 35 % аёллар умри давомида ҳеч бўлмаса бир маротаба жисмоний, руҳий зўрликка дучор бўлганлигини кўрсатмоқда. 2018-2019 йилларда дунёда аниқланган одам савдоси қурбонларининг 72 % ни аёллар, жумладан вояга етмаган қизлар (23 %), шу билан бирга, болалар савдосининг ҳар беш қурбонидан тўрттасини қиз болалар ташкил этган»¹лиги боис, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасининг методологик асосларини такомиллаштириш, мазкур тизимни ривожлантириш, шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жаҳонда шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси, уни жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатдан ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос йўналишларини аниқлаш асосида мазкур соҳани такомиллаштириш, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш ва бу борада давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, жиноятчиликка қарши курашиш, зўрлик феноменининг вужудга келиши, зўравон шахсининг хусусиятлари, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, мазкур жиноятларнинг криминологик, виктимологик тавсифи, аҳоли виктимлиги даражасини аниқлаш, шахсни зўравонликдан ҳимоя қилишнинг самарали чораларини ишлаб чиқиш, бу борадаги халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш долзарб ҳисобланади.

Республикамызда жиноятлар виктимлигининг олдини олишга доир ўзига хос миллий тизим ва норматив-ҳуқуқий асослар яратилиб, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга аҳамият берилганлиги натижасида фуқароларни турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлардан муҳофаза қилиш масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, «жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиний қилмишларни декриминаллаштириш, жиний жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар виктимлигининг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш»² суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қаторида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар учун жазо тайинлашда жабрланувчи хулқ-атворини эътиборга олиш ва ушбу жиноятлар виктимологик профилактикасини

¹ <https://www.unwomen.org/en/what-we-do/ending-violence-against-women/facts-and-figures#notes>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

такомиллаштириш ва уни тадқиқ этишнинг муҳим аҳамият касб этишини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги (2010), «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014), «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (2019) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони, 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3723-сон, 2018 йил 2 июлдаги «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3827-сон қарорлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг устувор йўналиши»га мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилган. Жумладан, National Institute for Assistance for Victims (INAVEM) (Франция), National Organisation for Victim Support – NOVS (Нидерландия), National Association of Victim Support Schemes (Буюк Британия), Academy of Criminal Justice Sciences (АҚШ), Department of Reproductive Health and Research, South African Medical Research Council, ЖАР), Japanese Association of Victimology (JAV) (Япония), Indian Society of Victimology (ISV) (Ҳиндистон), the South Asian Society of Criminology and Victimology (SASCV) (Афғонистон, Покистон, Бангладеш), Preventing Trafficking and Protecting Victims in Moldova (Молдова Республикаси), Тошкент давлат юридик университети, шунингдек Ўзбекистон Республикаси

³ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: Майоров А.В. Международный опыт защиты жертв преступлений (Научная статья) // материалы 66-научной конференции Южно-Уральского государственного университета (апрель 2014 года): веб-сайт-[http:// www. susu.ac.ru.](http://www.susu.ac.ru/); South Asian Society of Criminology and Victimology (SASCV) http://www.sascv.org; South Asian Society of Criminology and Victimology (SASCV) http://www.sascv.org; Preventing Trafficking and Protecting Victims in Moldova / International Organization for Migration https://www.iom.int/preventing-trafficking-and-protecting-victims-moldova; Affiliated Organizations: Japan <http://www.worldsocietyofvictimology.org/nationalvs/japan.html>; Affiliated Organizations: Japan <http://www.worldsocietyofvictimology.org/nationalvs/japan.html>; Dubourg R., Hamed J., Thorns J. The Economic and Social Costs of Crime against Individuals and Households 2003/2004. – London: Home Office. – June, 2005. – P.44.; Preventing Trafficking and Protecting Victims in Moldova / International Organization for Migration [https:// www.iom.int / preventing-trafficking-and-protecting-victims-moldova](https://www.iom.int/preventing-trafficking-and-protecting-victims-moldova/) ва бошқа манбалардан олинган.

Ички ишлар вазирлиги Академиясида (Ўзбекистон Республикаси) олиб борилмоқда.

Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари ва уни такомиллаштиришга оид тадқиқотларда муайян илмий натижаларга эришилган. Жумладан, зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятлар оқибатида жабрланувчиларга етказилган зарарни ундириш ҳақидаги қонунларни амалиётга татбиқ этишнинг дастлабки натижалари тақдим этилиб, ўрганилган Japanese Association of Victimology (JAV); зўравонликдан жабрланганларга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш, National Association of Victim Support Schemes (АҚШ, Буюк Британия); жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга комплекс ёндашув асосида, аёлларга нисбатан зўрлик ишлатиш оқибатида етказилган зарарнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари (Department of Reproductive Health and Research, South African Medical Research Council, ЖАР); одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш (Preventing Trafficking and Protecting Victims in Moldova) масалалари ўрганилган.

Жаҳонда шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикаси самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлардан жабрланганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, виктимликни олдини олишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; «виктимлик» ва «виктимизация», «жабрланувчи», «жиноятчи ва жабрланувчилар ўртасидаги муносабатлар» ҳамда жабрланувчиларга нисбатан ким қандай муносабатда бўлиш; жабрланувчиларнинг профессионалик даражаси ва ҳуқуқий нигилизмнинг сабаблари аниқланган; виктимологик профилактикани кўллаш самарадорлиги; шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг сабабларини бартараф этиш чораларини такомиллаштириш ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари, шунингдек ушбу қилмишларнинг олдини олиш масалалари етарли даражада ўрганилмаганлигини қайд этиш лозим. Унинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимларидан Қ.Р.Абдурасулова, А.А.Отажанов, О.Ф.Зокирова, Ф.Тахиров, Қ.П.Пайзуллаев, М.Қ.Ўразалиев, Ж.Х.Хамидов, С.Б.Хўжақулов, М.Ҳ.Рустамбоев, И.Исмоилов, Ж.С.Мухторовлар⁴ томонидан ўрганилган.

Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикасининг айрим криминологик жиҳатларини ўрганган чет эл олимлари қаторида С.Н.Абельцев, К.А.Адигюзелов, А.В.Басков, Т.В.Варчук, О.Н.Вишневецкий, А.А.Гаджиева, В.И.Задорожный, В.Е.Квашиш, Н.К.Котова, В.П.Коновалов, Ю.А.Клейберг, В.Н.Кудрявцев, Н.Ф.Кузнецова, В.В.Лунеев, И.В.Лиманская, А.В.Наумов, Л.Е.Остроумов, С.А.Потапов, Г.М.Резник, В.Я.Рыбальская, Н.Х.Сафиуллин, Э.Л.Сидоренко, А.Л.Ситковский, С.В.Скляров,

⁴ Мазкур олимлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Я.Г.Скурту, Л.В.Франк, В.Г.Христенко, Е.Е.Центров, Г.И.Чечель, П.В.Чурсина, Н.Н.Шаповалова, Н.Е.Шинкевич, В.Е.Эминов, Х.Кэрол, Д.Рассел, Р.Стефани, Л.Шелли, Д.Шели, Г.Й.Шнайдер, Ф.А.Меликоваларни кўрсатиш мумкин.

Номусга тегиш жиноятининг виктимологик жиҳатларини ўрганган хорижий мамлакатлар олимлари қаторида Ю.М.Антонян, С.Г.Войтенко, Б.В.Журавлева, В.И.Полубинский, А.Л.Репецкая, Д.В.Ривман, В.С.Устинов, Н.Н.Коновалов, В.С.Минская, Е.Ю.Мощицкая, И.Г.Малкина-Пых, С.В.Надтокалар⁵нинг тадқиқот ишларини кўриш мумкин. Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишларида масаланинг умумий жиҳатлари тадқиқ этилганлиги боис, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикасига оид жиҳатлари эътибордан четда қолган.

Шунингдек, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикасига оид қонун нормалари самарадорлигини оширишга комплекс ёндашилмаган. Шу сабабли ҳам мазкур масалани комплекс тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикасини қамраб олган махсус тадқиқот иши олиб борилмаган. Шунингдек, ҳозиргача олиб борилган тадқиқот ишларида шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда жабрланувчининг ўрни; ушбу жиноятларда виктимизация жараёни ва унинг оқибатлари; зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик сабаблари (детерминантлари); шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар учун жазо тайинлашда жабрланувчи хулқ-атворининг эътиборга олиниши; шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси каби масалалар чуқур ўрганилмаган. Ушбу муаммонинг криминологик, виктимологик ва жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари ўз ечимини топмаган. Мазкур жиноятларнинг виктимологик профилактикасига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилиб, «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишнинг инновацион усул ва воситалари» илмий-амалий грант лойиҳаси илмий йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасини комплекс ўрганиш асосида аниқланган муаммоларнинг ечимини топиш ҳамда мазкур жиноятларнинг олдини олишни такомиллаштиришга оид таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шахсга қарши зўрлик ишлатиш ва зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар тушунчаси ҳамда уларнинг турларини таҳлил этиш;

⁵Ушбу олимлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда жабрланувчи шахсининг вужудга келишини аниқлаш;

шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасининг мақсад ва вазифаларини таҳлил қилиш;

шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда жабрланувчи шахси ва унинг хулқ-атворини таҳлил этиш;

шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар жабрланувчисининг виктимологик типологиясини ўрганиш;

айбдорга жазо тайинлаш ва виктимликнинг олдини олишда жабрланувчи хулқ-атворига доир жиноят қонунчилигини такомиллаштириш;

шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар латентлиги ва унинг виктимизация жараёнига таъсирини тадқиқ этиш;

шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг маиший сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш;

шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг маънавий, ижтимоий-руҳий омиллари ва сабабларини таҳлил этиш;

шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг олдини олишнинг умумижтимоий чораларини ўрганиш ва бу борадаги қонунчилик нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг махсус ва индивидуал виктимологик профилактикасига доир масалаларни таҳлил этиш;

хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикаси бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимлилик, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг

хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила эканлиги асослаб берилган;

ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаганларни спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига йўл қўймаслик зарурати ва назоратсиз ёки қаровсиз қолган вояга етмаганларга нисбатан яқка тартибдаги профилактика иши олиб борилиши исботланган;

жабрланувчи томонидан жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши жиноий жавобгарликни истисно этувчи ҳолат эканлиги; шахснинг жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан кўрқитиш натижасида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлса, маъмурий жавобгарликка тортилмаслиги асосланган;

хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаётига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик) зўравонлик ҳисобланиши; ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган аёл жабрланувчи эканлиги асосланган;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирлари; тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганлар, шунингдек зўравонлик содир этган ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар ҳисобини юритиш лозимлиги исботланган;

тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, руҳий, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказлар ташкил этиши лозимлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикасида субъектлар фаолиятининг ҳамкорлигини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ушбу жиноятлар виктимлигининг олдини олишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши асосланган⁶;

⁶ Ниёзова С.С., Ўразалиев М.Қ. Фуқаролар йиғини кенгашининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлиги. – Тошкент: Маҳалла зиёси., 2016. 41– бет (ушбу амалий-услубий тавсия Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг 2015 йил 24 декабрдаги 73-сон мажлиси баёни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури»нинг VI йўналиши 54-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси (ИИВ ҲООББ) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 15.10.2016 йилдаги 26/2907-сон маълумотномаси).

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, 2017 йил 8 сентябрдаги «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш лозимлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикасида ва айрим хорижий давлатлардаги шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг олдини олишга доир масалалар қиёсий таққосланиб, тегишли хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

«зўрлик ва унинг турлари», «жабрдийда», «жиноятларнинг виктимологик профилактикаси» каби тушунчалар жиноят-ҳуқуқий, виктимологик ва криминологик нуқтаи назардан чуқур ўрганилиб, муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

жабрланган шахсларнинг виктимологик тавсифи ўрганилиб, зўравонликлардан жабрланганларнинг картотекасини юритиш тавсияси ишлаб чиқилган;

шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг олдини олиш юзасидан ЖКнинг 100, 101, 106, 107, 108-моддаларини иккинчи қисм билан тўлдириш лозимлиги асосланган;

ЖК 121-модда номи ва биринчи қисмининг диспозициясини янги тахрирда бериш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонун нормалари ва халқаро стандартлар, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шакллари асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Тадқиқ этилаётган муаммо бўйича 200 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ва жазони ижро этиш муассасасида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган 100 нафар маҳкумлар, 100 нафар жабрланганлар орасида сўровлар ўтказилган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасининг назарий асосларини ривожлантиришга, жиноят қонуни нормаларини қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади. Диссертацияда баён этилган қоидалар, чиқарилган хулосалар, ишлаб чиқилган таклиф-тавсиялардан ушбу муаммога доир илмий тадқиқотлар ўтказишда, жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларини тайёрлашда, Ички ишлар ва прокуратура органлари фаолиятида, шунингдек «Жиноят ҳуқуқи»,

«Маъмурий жавобгарлик», «Криминология», «Виктимология», «Хуқуқбузарликлар профилактикаси» фанлари модулларини ишлаб чиқиш ва юриспруденцияга ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқув жараёнида, ўрганилган муаммога оид ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг аҳамияти қонун ижодкорлиги, суд-тергов органларининг шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар учун жазо тайинлашда жабрланувчи хуққатвори билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ва ушбу жиноятлар виктимлигининг олдини олишда, жиноятлар ва хуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини яхшилашда, юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланилишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жабрланувчи сифатида ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила, назоратсиз ёки қаровсиз бўлган вояга етмаганларга алоҳида эътибор қаратишга доир тушунчаларга берилган таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ–263-сон Қонунининг 3-моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2016 йил 23 февралдаги 05/01-07-40-207-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар вояга етмаганларнинг зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлардан жабрланишининг олдини олишга хизмат қилади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикасида ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштироки муҳимлиги, назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларга нисбатан яқка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш тартиби тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ–263-сон Қонунининг 7 ва 20-моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2016 йил 23 февралдаги 05/01-07-40-207-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганлар виктимлигининг олдини олишда ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг масъулиятини белгилашга, шунингдек яқка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

шахснинг жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш натижасида ўзини бошқара олмай қолиши натижасида жиноят содир этишини қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат сифатида қаралиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 41¹-моддасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 29 августдаги 06-16/1227-сон маълумотномаси), жабрланувчининг жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш натижасида ўзини бошқара олмаслик оқибатида ҳуқуқбузарлик содир этиши маъмурий жавобгарликка тортилмаслиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 21¹-моддасининг киритилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 30 августдаги 06/1417-сон далолатномаси). Киритилган ушбу нормалар жабрланувчини жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш натижасида ўзини бошқара олмай қолиши жиноий ва маъмурий жавобгарликни истисно қилиб, виктимликнинг олдини олишга хизмат қилган;

хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш орқали уларнинг ҳаётига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик) зўравонлик ҳисобланиши ва ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган аёл жабрланувчи эканлиги борасидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ–561-сон Қонунининг 3-моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 25 октябрдаги 06-14/17-сон хати). Қонунга киритилган ушбу тушунчалар шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг олдини олишга хизмат қилган;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирлари; тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганлар ҳақидаги маълумотлар ҳисобини юритиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ–561-сон Қонунининг 15-, 16-моддаларига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 25 октябрдаги 06-14/17-сон хати). Қонунга киритилган ушбу нормалар хотин-қизларга нисбатан ишлатиладиган тазйиқ ва зўравонликларнинг олдини олиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тизимини ташкил этиш тартибини белгилашга хизмат қилган;

жабрланувчиларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича махсус марказлар ташкил этилиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ–561-сон Қонунининг 27-моддасини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2019 йил 25 октябрдаги 06-14/17-сон хати). Қонунга киритилган ушбу модда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганларга иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, руҳий, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 34 та илмий анжуманда, жумладан, 7 та халқаро, 27 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 78 та илмий иш, жумладан, 3 та монография, 41 та илмий мақола (улардан 6 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 266 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **кириш** (диссертацияси аннотацияси) қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Шахсга қарши зўрлик ва зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар ҳамда мазкур жиноятлар виктимологик профилактикасининг умумий тавсифи**» деб номланиб, унда шахсга қарши зўрлик ишлатиш ва зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар тушунчаси ва уларнинг турлари; шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда жабрланувчи шахсининг вужудга келиши; шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикаси, унинг мақсад ва вазифаларининг таҳлили тадқиқ қилинган.

Муаллиф шахсга қарши зўрлик ишлатиш тушунчаси ва унинг белгилари ҳақида сўз юритиб, зўрлик тушунчасига оид олимлар (В.Даль, Бойцов А.И., А.В.Иващенко ва А.И.Марцев, А.В.Наумов, Р.Шаропов, Ф.Тахиров, Қ.Пайзуллаевлар)нинг фикрларини таҳлил этган ва бу ўринда «зўрлик», «зўрлик ишлатиб», «жисмоний ва руҳий зўрлик» тушунчаларига доир муаллифлик таърифни берган.

Жисмоний ва руҳий зўрлик бир-биридан содир этиш усули ва воситаларига кўра фарқ қилиши асосланган. Жисмоний зўрлик туфайли жабрланувчига тан жароҳати етказилади ёки инсоннинг хулқи, ҳаракат эркинлиги чекланади. Унинг организмда органик ёки функционал ўзгаришлар рўй беради, руҳий зўрликда эса бевосита инсон руҳиятига таъсир этади, руҳий жароҳат етказиши ёки унинг хоҳиш-иродаси эркинлигига салбий таъсир кўрсатилади.

Жисмоний зўрлик деганда, инсоннинг бошқа шахс томонидан муайян ҳаракат қилиш ёки уни қилмасликка доир ихтиёридан, яъни ўзининг хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракатини бошқаришдан маҳрум этишга қаратилган жисмоний (зўрлик билан ёпиқ хонага киритиш, уриш ва зарбалар бериш билан боғлиқ) таъсир ўтказиши тушунилади. Бундай вазиятда мажбурланувчи бошқа шахснинг қўлидаги қуролга айланади ва унинг таъсирида содир этган қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Бироқ жисмоний зўрлик шахсда ўзининг ҳаракатини бошқара олиш имконияти сақланган бўлса, у ҳолда етказилган зарар учун жиноий жавобгарлик ЖКнинг 38-моддасидаги қоидаларга мувофиқ ҳал этилади. Агар жисмоний зўрликнинг жадаллигини (масалан, жабрланувчининг юзига бир шапалоқ уриш) енгиш осон бўлса ва шу туфайли мажбурлашга дучор бўлган шахс уни зарарсизлантириш ёки енгишга қодир бўлса, бундай вазиятда у онгли равишда танлаб ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлади.

Диссертант шахсга қўлланилган жисмоний ва руҳий зўрликка илмий нуқтаи назардан қонунчиликда аниқ таъриф берилиши лозимлигини асослаган. Шунингдек, уни фақат жисмоний зарар етказиш билан қўрқитиш белгиси билан чегаралаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмаслиги, бунинг натижасида фуқаролар турли хил руҳий тазйиқдан, уларнинг эркига қонунга хилоф таъсир ўтказишдан ва бошқа руҳий тажовузлардан ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланмай қолиши асосланган.

Руҳий ва жисмоний зўрлик бир-бирини тақозо этади ва бири иккинчисини тўлдиргандагина оқибат келиб чиқиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, муаллиф томонидан руҳий зўрликка қуйидагича таъриф берилган: *Руҳий зўрлик – бу соғлиғига шикаст етказиши билан мулкни нобуд қилиши ёки жиноий ҳаракатларни содир этишга мажбурлаш ва жабрланувчи сир сақланишини йўқотган маълумотларни ошкор этиш мақсадида жабрланувчига зўрлик ишлатиши билан уни қўрқитишидир».*

Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар доираси кенг ва хилма-хиллигидан келиб чиқиб, диссертант шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни:

а) объекти шахснинг ҳаёти бўлган жиноятлар (қасддан одам ўлдириш; онанинг ўз чақалоғини ўлдириши; кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида, зарурий муодофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш);

б) объекти шахснинг соғлиғи ва ҳаёти учун хавфли бўлган жиноятлар (қасддан баданга оғир шикаст етказиш; соғлиққа ўртача оғир шикаст етказиш; қасддан баданга енгил шикаст етказиш; дўппослаш, қийнаш, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида, зарурий муодофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш; ўлдириш билан қўрқитиш; инсоннинг тана аъзоларини трансплантация қилиш, таносил касаллиги ОИВ/ОИТСни тарқатиш; аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш, хавф остида қолдириш);

в) шахснинг озодлигига қарши жиноятлар (инсоннинг шаъни, кадр-қиммати қарши жиноятлар; одам ўғирлаш; ғайриқонуний равишда озодликдан

махрум қилиш). Бу қилмишларда ҳам зўрлик ишлатилади. Бироқ бунда иқтисодий манфаатлар биринчи ўринда туради;

г) зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар (номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабий усулда қондириш) каби гуруҳларга ажратган.

Муаллиф шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда, шунингдек «Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протокол» (2000 йил 25 майда БМТ Бош Ассамблеяси қарори билан қабул қилинган)да жабрдийда сўзи ишлатилганлигини эътиборга олиб, «қурбон» деган сўз ўрнига, «жабрдийда» тушунчасини назарияга киритиш лозимлигини асослаган.

Диссертант мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси тушунчасига илк бор Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунида ўз аксини топган бўлса-да, бунга қадар Ўзбекистон Республикасининг бир қатор тадқиқотчилари жумладан, Қ.Р.Абдурасулова, И.У.Исмаилов, Ж.С.Мухторов, С.Б.Хўжакулов, Д.Р.Тўраева, Ш.К.Гиясов⁷ томонидан айрим жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси юзасидан илмий изланишлар олиб борилганини таъкидлайди.

Тадқиқотчи виктимологик профилактиканинг мақсади жабрланувчиларни жиноятдан огоҳлантириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жиноят жабрланувчиларига бевосита таъсир кўрсатиш орқали аниқ жиноятларнинг олдини олиш самарадорлигига эришиш ва жиноятлардан жабр кўришга тўсқинлик қилишдир, деб қайд этади.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, жиноятларнинг виктимологик профилактикасига *«Жиноятларнинг виктимологик профилактикаси уни амалга оширувчи субъектларнинг турли кўринишидаги жиноятлардан жабрланиб қолишларини олдини олиш ҳамда уларнинг виктимлик даражасини камайтириш, жабрланувчи бўлиб қолишга мойиллиги ва унга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадда амалга оширадиган фаолиятдир»* деган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик тавсифи ва жазо тайинлашда жабрланувчи хулқ-атворининг эътиборга олиниши»**га бағишланган бўлиб, унда шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда жабрланувчининг хулқ-атвори; шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган

⁷ Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Юрид. фан. док ...дис. – Тошкент: 2006; Исмаилов И. Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси, 2014. – №4. – Б. 3–6; Хўжакулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси қонун ҳужжатлари: илмий-амалий таҳлил // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси, 2015. – №4. – Б. 34–39; Мухторов Ж.С. Актуальность виктимологическая профилактика провинциальных в условиях Узбекистана // вестник Академия МВД РУз, 2015. – №3. – С. 45–49; Гиясов Ш.К. Ҳаётга қарши жиноятларни очиш фаолиятида қотиллик атамасидан фойдаланиш ва уни тавсифлаш масаласига доир айрим мулоҳазалар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси, 2015, – №2. – Б. 48–52; Тўраева Д.Р. Жабрланувчи манфаатларини ҳимоя қилишда АҚШ тажрибасига оид баъзи мулоҳазалар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси, 2013. – №2. 93 – б.

жиноятлар жабрланувчисининг виктимологик типологияси; айбдорга жазо тайинлаш ва виктимликнинг олдини олишда жабрланувчи хулқ-атворининг эътиборга олинishi ўрганилган.

Муаллиф шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда жабрланувчининг хулқ-атворини ўрганишда, уларнинг ижтимоий ва психофизиологик тавсифларидан келиб чиқиб, жабрланганларнинг криминал вазиятдаги хулқ-атвори шакллари Л.В.Франк, Г.А.Аванесов, Д.В.Ривман, В.И.Полубинский, В.С.Минская, В.Е.Квашиш ва бошқа олимларнинг асарлари асосида таҳлил қилган.

Диссертант шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда жабрланувчиларнинг хулқ-атвори (ўзини тутиши)ни хилма-хил бўлганлигини асослаган.

Тадқиқотчи жабрланувчиларнинг хулқ-атворини жиной хатти-ҳаракат механизмида тутган ўрнига қараб, уларни турларга бўлиш кўпроқ аҳамиятли эканини эътиборга олиб, уларнинг хулқ-атворини икки гуруҳга: жинойт содир этилишига кўмаклашадиган ва кўмаклашмайдиган хулқ-атворга ажратган. Жабрланувчининг жинойтга кўмаклашмайдиган хулқ-атвори объектив равишда криминоген – виктимоген хусусиятга эга эмас, жиной хатти-ҳаракатларга туртки бўлмайди ва жинойтнинг содир этилишига кўмаклашадиган шарт-шароитларни вужудга келтирмайди. Улар нейтрал хусусиятга эга бўлади ёки жинойт тажовузга акс таъсир кўрсатади. Яъни, бунда жабрланувчининг хулқ-атвори жинойт содир этилишига сабаб бўлмай, балки шарт-шароит яратиш беради.

Тадқиқотчи томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, қасддан одам ўлдиришдан жабрланганларнинг 53,9 % да айбдорга шароит яратиш берган, баданга шикаст етказишнинг 24,1 % да айбдорга кўмаклашган, номусга тегишнинг 19 % да шароит яратган. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган бошқа жинойтларда жабрланувчининг хулқ-атвори жиной қилмишига кўмаклашмаганлиги маълум бўлган.

Жабрланувчиларнинг 62 % зўравонлик жинойтларининг содир этилишига у ёки бу тарзда кўмаклашганлар, 38 % да бунинг акси бўлган, яъни уларнинг ҳаракатларида айбдорда ножўя хулқнинг вужудга келишига таъсир кўрсатган қандайдир омиллар мавжуд бўлган. Жабрланувчиларнинг хулқ-атворидаги виктимликнинг кўриниши турлича бўлиши мумкин. Уларнинг жинойт содир этилишига таъсири бевосита жинойтдан аввал юзага келган вазият ёки жинойтчининг шахси орқали агар улар ўтмишида уни шакллантиришга таъсир кўрсатган бўлса, намоён бўлиши мумкинлиги исботланган.

Муаллиф жабрланганлар билан ижтимоий сўров ўтказиш натижасида уларнинг ёш гуруҳларини республика аҳолисининг таркибий тузилиши билан қиёслаш виктимлашув кўрсаткичларини чиқариш имконини беради, деган хулосага келади. Бу кўрсаткичларнинг юқори даражаси 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёш гуруҳларда қайд этилган.

Виктимлашувнинг энг юқори даражаси 18 ёшдан 25 ёшгача, яъни 36 % га тўғри келади. Бу гуруҳдаги шахсларнинг юқори даражадаги виктимлигига уларнинг ахлоқий-руҳий хусусиятлари, хусусан, айнан шу ёшдаги шахсларга

кўпроқ хос бўлган ўз фикр-мулоҳазаси ва хатти-ҳаракатларида ҳеч кимга боғлиқ бўлишни истамаслик, хулқ-атворида мустақилликка интилиш, энгилтаклик, кўпинча эса, жинсий алоқада бефарқлик, никоҳдаги шеригининг ўзига хос хусусиятларига мослаша олмаслик кабилар ўз таъсирини кўрсатади.

Жабрланувчиларнинг учдан икки қисми ижтимоий фаол бўлганлар, яъни ишлаганлар – 18,5 фоизни, хизматчилар – 10,9 фоизни, хусусий тадбиркорлар – 17 фоизни, талабалар – 12,8 фоизни, коллеж ўқувчилари – 10 фоизни, ҳеч қаерда ишламайдиганлар ва ўқимайдиганлар эса – 30,8 фоизни ташкил қилганлиги аниқланган.

Муаллиф ушбу бобда шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар жабрланувчисининг виқтимологик типологияси ҳақида ҳам сўз юритиб, амалиёт материалларини таҳлил қилиш асосида, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятнинг жабрланувчисига айланиш эҳтимолини белгиловчи куйидаги:

1) жабрланувчиларнинг ёши; ўз фикр-мулоҳазаси ва хатти-ҳаракатлари билан ҳеч кимга тобе бўлмаслик, хулқ-атворида, жумладан, ахлоқсизлик, жинсий алоқада энгилтаклик, бефарқлик ва бошқа шу сингари унга хос бўлган рухий хусусиятларнинг мавжудлиги;

2) жабрланувчининг оиладаги мақоми: зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда эр хотинига, бирга яшовчилар (фарзандлар, ота-оналар ва бошқалар) ва рақобатчиларга нисбатан содир этилган; камдан-кам ҳолларда жазманлар, дўстлар, унаштирилган қиз ёки йигит ва бошқалар жабрланувчи бўлганлар;

3) жабрланувчиларнинг касби билан боғлиқ фаолиятнинг хусусияти, одамлар билан мунтазам алоқада бўлиш зарурлиги;

4) спиртли ичимликларни мунтазам истеъмол қилиш ва мастлик ҳолатида жиноят содир этиши (мастлик ўз қилмишларни вазиятга қараб назорат қилишни ва қаршилик кўрсата олиш қобилиятини сусайтиради);

5) ахлоқ, одобнинг лозим даражада эмаслиги (жинсий бузуклик, турмуш маданиятининг энг оддий нормаларига риоя этмаслик);

6) қаршилик кўрсатишга ироданинг етишмаслиги ва ожиз аҳволда бўлганлиги каби муҳим омилларни аниқлаган.

Диссертант виқтимликнинг олдини олиш, жиноят қонунчилигида жабрланувчининг ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖК 100, 101, 106, 107, 108-моддаларини куйидаги иккинчи қисм: *«икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилиш»* учун жавобгарлик масаласини ҳал этишга доир нормалар билан тўлдиришни таклиф этади.

Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 54-моддаси мазмунига бошқа ҳолатлар билан бир қаторда, *«жабрланувчи шахсини ҳам эътиборга олиш»* лозимлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли ва 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарорларининг биринчи бандига, 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришга доир ишлар бўйича

суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сон қарорига иккинчи прим банди, яъни «жабрланувчи билан айбланувчининг ўзаро муносабатлари» юзасидан тўлдириш киритиш лозимлиги таклиф этилади.

Диссертациянинг «**Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда виктимизация жараёни, виктимлик сабаблари ва унга имкон берувчи шарт-шароитлар**» деб номланган учинчи бобида шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлиги, виктимизация жараёни ва жиноятлар латентлигининг виктимликка таъсири; шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг маънавий, ижтимоий-руҳий омиллари ва маиший сабаблари, унга имкон берган шарт-шароитларининг таҳлили ўрганилган.

Виктимизация ижтимоий ҳодиса ҳисобланган жиноятчиликнинг остки тузилиши бўлиб, маълум маънода унинг криминологик ҳолатига салбий таъсир этади. Унинг таъсир этиш механизми ўрганилиб, қуйидаги хулосаларга келинган:

биринчидан, аҳоли орасида кенг ёйилган зўравонлик жиноятларининг ўсишига бўлган лоқайдлик, кўрқув, лаёқатсизлик, ҳуқуқий нигилизм, беадаблик, аҳолининг пассивлиги виктимизациянинг шаклланиши ва ривожланишини таъминловчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади;

иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятига нисбатан ишончсизликнинг ортиши, жамиятда ҳимоясизлик ҳиссининг пайдо бўлиши, виктимизациянинг руҳий манбалари, фуқароларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этишида таъсир қилувчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади;

учинчидан, шахснинг жиноий тажовузлардан ўзини ҳимоя қила олмаслиги ҳақида тасаввури одамлар орасида пессимизм ва ички руҳий жиҳатдан ўзини виктимизацияга тайёрлайди. Айримлари эса бошқа йўллар орқали ўзини компенсациялаб, турли хил воситалар (алкоголь ичимликлар, наркотик моддалар) қабул қилади, учинчи гуруҳдагилар жиноятчиликни рағбатлантиради. Шахсдаги типиклик ижтимоий муҳит билан белгиланадиган белгиларнинг қонуний йиғиндиси сифатида объектив равишда мавжуд бўлади;

тўртинчидан, «виктимлаштириш» ва «жиноятчилик» бир-бири билан боғлиқ, узвий тушунчалардир. Виктимлаштириш жамиятни криминаллаштириш жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Виктимлаштириш ўзининг юқори ҳолатида жиноятчиликни келтириб чиқаради, ўз навбатида, виктимлаштириш бўлмаса, жиноятчилик ҳам бўлмайди. Масалан, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлардан жабрланишни келтириб чиқарувчи сабаблар ва омиллар уни вужудга келтирувчи шарт-шароитлар билан боғлиқдир.

Диссертант зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни содир этишдаги виктимлик даражасининг юқорилашиш сабабларини аниқлаш қуйидагиларни: биринчидан, жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган жабрланувчи шахсиятининг ижтимоий баҳоси ва унинг хулқ-атворини белгилаш; иккинчидан, виктимоген вазиятлар эҳтимоли ва жабрланувчиларнинг имкониятларини юзага чиқариш; учинчидан, тўпланган манбалар асосида жиноятлар виктимлиги

профилактикасининг махсус ва умумий чораларини ишлаб чиқиш имконини беришини асослаган.

Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимизациясининг турлича қабул қилиниши жабрланувчиларда тушкунликка тушишнинг қуйидаги учта кўринишида: 1) жабрланувчи танасига жароҳатлар етказиш; 2) жамиятдан ажратиш ва нормал, кундалик ҳаётдан изоляция қилиш;

3) тушкунлик ва психосоматик бузилишлар (бош оғриғи, уйқунинг бузилиши кабилар)да намоён бўлади.

Диссертант ўтказилган сўров натижалари асосида зўравонликдан жабр кўргунга қадар жабрланувчиларнинг 33,7 %и – расмий никоҳда, 11,2%и – рўйхатдан ўтказилмаган муносабатларда бўлгани, 41,2%и – ҳеч қачон никоҳда бўлмагани, 13,9 %и – эри ёки хотини билан ажрашганини аниқлаб, ўз фикрларини берган.

Муаллиф жабрланувчиларнинг виктим хулқ-атвориға таъсир кўрсатувчи маънавий-руҳий ва маиший омилларни таҳлил қилиши натижасида улар йиғиндиси, биринчи навбатда, ижтимоий-демографик омиллар (урбанизация, миграция, жинс ва ёшга оид маълумотлар ва маъмурий-худудий тузилишнинг ўзгариши); иқтисодий омиллар (умумий ва тармоқлардаги бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш, нарх-навои белгилаш); сиёсий ва ижтимоий-руҳий омиллар (миллий мафкура, ахборот технологиялари, демократик институтларнинг фаолияти, ижтимоий дастурларни амалга оширишда давлатнинг муносабати); ташкилий-ҳуқуқий омиллар (амалдаги қонун ҳужжатлари, уларни қўллашни таъминловчи институтларнинг самарадорлиги) ташкил этишини аниқлаган.

Айни вақтда, юқоридаги омиллар рўйхати тўлиқ эмаслигини ҳам қайд этиб ўтади. Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, пировард натижада жиноятнинг содир этилишига олиб келадиган катта-кичик омиллар миқдорини тўла ва тўғри аниқлаш мумкин эмас.

Тадқиқотчи томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида жабрланувчиларнинг жиноят содир этишига ундовчи фаолияти ўрганилиб, уларнинг қуйидаги даража билан ўлчанилиши аниқланган:

1) жиноятчи ҳаракатларининг йўналтирилганлиги (улар бевосита жиноят субъекти ва бошқа шахсларга қаратилган бўлади);

2) жиноятчига зўрлик орқали таъсир этиш (уларни уриш ёки ҳақорат қилиш ва уларга етказилган зарарнинг оғирлик даражаси);

3) жабрланувчи салбий ҳаракатларининг давомийлиги, жиноят содир этилиши натижасида кейинчалик айбдорга айланган шахс руҳияти ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини билганлиги ва ҳ.к.

Муаллиф тадқиқот натижалари асосида, озодликдан маҳрум қилиш жойларида жиноятчи ва жабрланувчи орасидаги муносабат 41,3 % ҳолларда салбий бўлган, 20 % ҳолларда маҳкумлар орасидаги муносабат нейтрал, 39,7 % ҳолларда эса умуман бўлмаганлигини аниқлаган.

Ишнинг «**Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштириш истиқболлари**»га бағишланган тўртинчи бобида шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг олдини олишни умумижтимоий

чоралари ва унга доир қонун нормаларини такомиллаштириш, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг махсус ва индивидуал профилактикаси, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасига оид айрим хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, виктимликнинг олдини олиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаллиф виктимликнинг олдини олишга оид бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги ва «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклиф ва тавсиялар берган.

Тадқиқотчи томонидан махсус виктимологик профилактика ўрганилганда, ушбу профилактикани олиб боришда жиний тажовулардан аниқ ва эҳтимоли бўлган жабрланувчиларни ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш, уларни ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга доир муайян таклиф ва тавсиялар асосланган.

Муаллиф зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг махсус виктимологик профилактикаси чораларини ишлаб чиқиш чоғида профессионал виктимлик даражаси баланд бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш муаммосига алоҳида эътибор бериш лозимлигини асослаган. Бундай шахслар қаторига, одатда, ички ишлар органлари ходимлари, кўриқлаш идораларининг ходимлари, инкассаторлар киради. Аммо тегишли жисмоний ва руҳий тайёргарликдан ўтган, кураш усуллари ёки ўзлари олиб юриш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган курулни ишлатиш кўникмаларини профессионал даражада ўзлаштирган мазкур ходимлардан фарқли ўларок, айрим бошқа касбларнинг вакилларига бундай хавф таҳдид солиши асосланган.

Бундан ташқари, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимлигига қарши курашишда, уларнинг жиний-ҳуқуқий профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишда бевосита профилактик аҳамият касб этадиган айрим жиний-ҳуқуқий нормаларнинг аҳамияти ҳақидаги фикрларини асослаган.

Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг махсус виктимологик профилактикасини ҳуқуқий тартибга солишда жиний ҳуқуқининг, жинийлар виктимлигининг олдини олиш, уларни тўхтатиш ва уларни содир этганлик учун жазолаш чора-тадбирларини амалга ошириш асослари ва тартиби белгиланган нормалари ҳам муҳимлиги, уларда назарда тутилган санкциялар ҳам хусусий, ҳам умумий превенция вазифаларини ҳал этиши, муайян ғайриқонуний вазиятларга таъсир кўрсатиш, аксилижтимоий фаолиятни давом эттириш, энг аввало, майда безорилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик сингари маъмурий жазога лойиқ хуқуқбузарликларни содир этиш ва унинг виктимлигини амалда тўхтатиш имконини беришини таҳлил қилиб берган.

Тадқиқотчи шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этилган жинийлар виктимологик профилактикасининг индивидуал турини таҳлил қиларкан, жабрланувчиларнинг реал ва потенциал турига, шунингдек уларнинг атрофидаги шароити, ижтимоий алоқалари ва микромуҳити ҳақида ҳам сўз юритади.

Индивидуал виктимологик профилактиканинг имкониятлари ва истиқболлари, жиноятдан (реал ва потенциал) жабрланганларнинг аниқ ифодаловчи иқрори, шахснинг эга бўлган шахсий ва хулқий тавсифи юқори виктимликни келтириб чиқариши асосланган.

Диссертант ишда индивидуал виктимологик профилактиканинг мақсади шахснинг виктим хусусиятлари ва сифатларини ўрганиш орқали, унинг хулқ-атворини ўзгартиришга қаратилган ижобий ишларни амалга ошириш, шунингдек девиктимлашув жараёнини таъминлашдан иборат эканлигини таъкидлайди.

Муаллиф виктимологик профилактика масаласини ўрганиш натижасида таълим муассасаларида виктимология, яъни ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлардан ўзини ҳимоя қилиш масаласига оид ўқув курсларини ташкил қилиш юзасидан таклифларни берган.

Муаллиф Япония, Нидерландия, Франция, ГФР, АҚШ, Буюк Британия, Ҳиндистон давлатларининг шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг олдини олишга доир илмий тадқиқот муассасалари, миллий ассоциациялари фаолияти ва виктимликнинг олдини олишга доир қонун нормаларини қиёсий таҳлил қилиши натижасида тегишли хулосаларни шакллантирган.

Жумладан, Англияда «Жиноятлардан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш Миллий ассоциацияси» (National Association of Victim Support Schemes) 1979 йилдан бери фаолият кўрсатиб келиши, у мувофиқлаштирувчи орган вазифасини бажариши, Францияда «Жиноятлардан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш Миллий институти» (National Institute for Assistance for Victims (INAVEM) 1986 йилда ташкил этилган бўлиб, у 60 га яқин виктимологик ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришини аниқлаган. Нидерландияда «Жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш Миллий ташкилоти» (National Organisation for Victim Support (NOVS) фаолияти, АҚШда расман мазкур вазифани амалга оширувчи орган мавжуд бўлмаса-да, бу фаолиятни «Жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш Миллий маркази» бажариши, Италияда ҳам расман виктимологик ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган бўлмаса-да, лекин терроризм, уюшган жиноятчилик, ўғирлик, босқинчилик ва талончиликдан азият чеккан фуқароларга ёрдам кўрсатиш ассоциациясининг фаолиятидаги мазкур вазифани бажариши юзасидан вазифаларни ўрганиб, таҳлиллар олиб борган.

Шунингдек, Буюк Британиянинг 2017 йил 22 февралдаги «Оиладаги зўравонлик: Британия кўзгусида», АҚШда 1984 йилда қабул қилинган «Жиноятдан жабрланганлар тўғрисида»ги, 1991 йилдаги «Аёлларга қарши зўравонлик ишлатишга қарши кураш тўғрисида»ги, АҚШ Конгресси томонидан эса 1994 йилда «Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш ҳақида»ги (the Violence Against Women Act), 1999 йилдаги «Болаларга нисбатан зўравонлик содир этиладиган жиноятларга қарши кураш тўғрисида»ги (Megan's Law and the Jacob Wetterling Crimes Against Children and Sexually Violent Offender Registration Act) қонунлари ҳамда «Зўравонлик билан содир этилган жиноят жабрланувчиларига етказилган зарарни қоплаш тўғрисида»ги Европа Конвенцияси, «Жиноят жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиш ва

виктимлашувнинг олдини олиш ҳақида»ги Европа Кенгаши Вазирлар кўмитасининг тавсияларини ўрганиб, қиёсий таҳлил натижасида тегишли тавсиялар берган.

Диссертант хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш натижасида профилактика хизмати бўлинмаларининг функцияларини кенгайтириш ёки зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноят жабрланувчиларининг виктимологик профилактикаси билан шуғулланадиган махсус бўлинмалар ташкил этиш лозимлиги ва зўравонликдан жабрланганларнинг картотекасини шакллантириб, уларнинг ҳисоботини юритиш тизимини ташкил этиш юзасидан таклифларини илгари сурган.

ХУЛОСА

Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасини ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқот ишининг натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларини қуйидагича шакллантириш мақсадга мувофиқ:

1. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасининг назарий жиҳатлари бўйича илмий хулоса ва тавсиялар:

1. Жиноятларнинг виктимологик профилактикасига қуйидаги муаллифлик таърифи берилган: *«Жиноятларнинг виктимологик профилактикаси уни амалга оширувчи субъектларнинг турли кўринишдаги жиноятлардан жабрланиб қолишларининг олдини олиш ҳамда уларнинг виктимлик даражасини камайтириш, жабрланувчи бўлиб қолишга мойиллиги ва унга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида амалга оширадиган фаолиятдир».*

2. Тадқиқотларда жабрланувчи ва жабридийда деган атамалар кўп ишлатилиши, жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ жабрланувчи ўзига хос ҳуқуқий мақомга эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда, жиноятдан жабрланганлар ҳолатини ўрганишда «жабрдийда» деган атамани ишлатиш ва унга қуйидагича таъриф беришни таклиф қилинади: *«Жабрдийда деб, маънавий, жисмоний, мулкий зарар етказилиши оқибатида ҳуқуқ ва эркинликлари поймол қилинган шахсга айтилади».*

3. Суд амалиёти таҳлили асосида, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг жабрланувчисига айланиш эҳтимоли борлигини белгиловчи энг муҳим омиллар:

1) жабрланувчиларнинг ёш даражаси, хатти-ҳаракатлари, ҳеч кимга тобе бўлмаслик, хулқ-атворида, жумладан, ахлоқсизлик, жинсий алоқада енгилтаклик, бефарқлик каби унга хос бўлган руҳий хусусиятларнинг мавжудлиги;

2) жабрланувчининг оиладаги мақоми: зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда эр хотинига, бирга яшовчилар (фарзандлар, ота-оналар ва бошқалар)га нисбатан содир этилган; камдан-кам ҳолларда жазманлари, дўстлари, унаштирилган қиз ёки йигити ва бошқалар жабрланувчи бўлганлар;

3) жабрланувчиларнинг касби билан боғлиқ фаолияти, одамлар билан мунтазам алоқада бўлиш зарурлиги;

4) спиртли ичимликларни мунтазам истеъмол қилиш ва жиноятни содир этиш пайтида маст бўлиш (мастлик ўз қилмишларни вазиятга қараб назорат қилишни ва қаршилик кўрсата олиш қобилиятини сусайтиради);

5) ахлоқ-одобнинг етарлича ривожланмаганлиги (жинсий бузуқлик, турмуш маданиятининг энг оддий нормаларига риоя этмаслик);

6) қаршилик кўрсатишга ироданинг етишмаслиги ва ожиз аҳволда бўлганлиги кабилар аниқланди.

4. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикаси бўйича илмий ёндашувлар таҳлили натижасида қуйидаги хулосага келинди:

биринчидан, ўрганилган барча тадқиқотларда виктимликнинг келиб чиқишига жабрланувчиларнинг хулқ-атвори, ички кечинмалари, уларга таъсир қилувчи муҳит кабилар сабаб бўлган;

иккинчидан, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларда жиноятчилар жабрланувчилар билан ўзаро таниш ёки яқин алоқада эканликлари аниқланган;

учинчидан, барча тадқиқотларда жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаган;

тўртинчидан, жабрланувчиларнинг ҳисобини юритиш тизимини ташкил этиш таклиф этилган, аммо уни қандай амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилмаган. Масалан, уни ташкил этиш, қандай тартибда ҳисобга олиш, ҳисобга олишни расмийлаштириш бўйича механизмлар ишлаб чиқилмаган.

Шу учун мазкур ишларни амалга ошириш учун норматив ҳуқуқий базада камчиликлар мавжудлиги ва уни амалга ошириш юзасидан жойларда ташкил этилаётган ишларнинг аниқ бир меъёр асосида ўтказилмаётганлиги сабабли зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасида жабрланувчиларнинг ҳисобини юритиш механизминини ўрганиш лозим бўлади.

5. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигига таъсир қилувчи омиллар ва шарт-шароитлар мажмуи бир неча нисбий мустақил ва ўзаро боғлиқ яшаш муҳитларидан иборат. Макроижтимоий муҳит бу мамлакат, минтақадаги иқтисодиёт, ижтимоий шарт-шароитлар мажмуидан ташкил топади. Ҳар бир аниқ шахсга нисбатан унинг таъсири умумий характерга эга, яъни шахсни жиноят жабрланувчисига айланишига туртки берувчи омилларни кучайтирувчи ёхуд камайтирувчи бўлиши мумкин, лекин ҳал қилувчи бўлмайди.

Микроижтимоий муҳит бу бевосита шахснинг доимий яшаш жойи, иш жойидаги вазияти, теварак атрофдаги одамлар билан ўзаро муносабатлари характери билан боғлиқ. Микроижтимоий муҳит таъсири ниҳоятда кучли бўлиши ҳисобга олиниши зарур.

II. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жиноят кодексини такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунининг виктимологик профилактика чора-тадбирлари

кўрсатиб ўтилган 44-моддаси биринчи қисми иккинчи, бешинчи ва еттинчи хатбошларини яхлит ҳолга келтириб, қуйидагича талқин этиш таклиф этилади: «хуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни ва жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг жисмоний, индивидуал ва ижтимоий психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, комплекс профилактика чора-тадбирларни олиб бориш ҳамда хуқуқбузар шахсдан ҳимоя қилиш бўйича зарурий мудофаа ва охириги зарурат бўйича маълумотлар билан таништириш ишларини ташкиллаштириш».

2. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунни ҳам вояга етмаганлар назоратсизлиги ва хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига доир қуйидаги мазмунда 24¹-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

«24¹-модда. Вояга етмаганлар хуқуқбузарликларининг виктимологик профилактикаси

Вояга етмаганлар хуқуқбузарликларининг виктимологик профилактикаси хуқуқбузарликлардан ёки жиноятлардан жабрланган вояга етмаганларни аниқлаш, сабабларини ўрганиш ва уларни жабрланувчи бўлиб қолишларининг олдини олиш, шунингдек, ҳаёт тарзи ва хулқи жабрланувчи бўлиб қолишидан далолат берувчи вояга етмаганларни бундай йўлдан қайтаришга қаратилган субъектлар томонидан амалга ошириладиган фаолиятдир».

3. Вояга етмаганлар виктимлигининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 2-бобида «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи ота-оналар мажбуриятини ҳам аниқ белгилаб берадиган қуйидаги мазмунда 15¹-модда билан тўлдириш илгари сурилади.

«15¹-модда. Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш соҳасидаги мажбуриятлари

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот хуружларидан ҳимоя қилишни, улар назоратсизлиги ва хуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш мақсадида:

вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига, зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилиш ва порнографик маҳсулотларни тарқатиш, ўзини ўзи ўлдиришига ундаш, реклама қилиш, намойиш этаётган маҳсулотларни ва унга ундайдиган рекламаларни кўришига йўл қўймаслик;

вояга етмаганларнинг хуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига ундайдиган ва уларнинг соғлиғига зарар

етказувчи ахборот хуружларининг тарқалишига йўл қўймаслик чоратadbирларини кўради».

4. Ўзбекистон Республикаси ЖК 56-моддаси биринчи қисмининг «б» бандида кўзда тутилган «қария»ларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг VIII бўлимида махсус тушунтириш берилиши керак. Чунки, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар жабрланувчиси кўп ҳолларда юқоридаги шахслар бўлганлиги аниқланган.

5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг VIII бўлимини қуйидаги мазмундаги тушунтириш билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади: **«Ожиз аҳволдалик** – шахснинг руҳий ёки жисмоний аҳволи туфайли унга нисбатан содир этилаётган жиноий ҳаракатларни тўғри баҳолаш ёки уларга қаршилик кўрсатиш ёхуд бошқа йўл билан таҳдид солаётган хавфдан қутилишига ноқобиллигидир».

6. Зўрлик, жисмоний ва руҳий зўрликнинг қуйидаги тушунчаларини ЖКнинг «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси» бўлимига киритиш таклиф этилади:

«Зўрлик – бу жабрланувчи хавфсизлигига қасддан, қонунга хилоф равишда жиноий тажовуз қилиш, унинг организмига (органлари, тўқималари ва уларнинг физиологик функциялари) иродасига қарши (ёки ундан ташқари) жисмоний (энергетик) ёки руҳий (информацион) таъсир этиш йўли билан жисмоний ёки руҳий зарар етказиш.

Жисмоний зўрлик – жабрланувчига қасддан, гайриқонуний равишда энергетик (механик, физик, кимёвий, биологик) таъсир кўрсатиш йўли билан шахс организмнинг физиологик функцияларига зарарли жисмоний оқибатларни етказиш.

Руҳий зўрлик – бу соғлигига шикаст етказиш билан мулкни нобуд қилиш ёки жиноий ҳаракатларни содир этишига мажбурлаш ва жабрланувчи сир сақланишини истаган маълумотларни ошкор этиш мақсадида жабрланувчига зўрлик ишлатиш билан уни қўрқитишидир».

7. Судда шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар учун жазо тайинлаш вақтида жазо тайинлашнинг умумий асосларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54-моддаси мазмунини айбланувчи билан бир қаторда, «*жиноят жабрланувчиси*»га ҳам эътибор бериш лозимлиги ҳақидаги қоида билан тўлдириш лозим.

8. ЖК 98, 100, 101, 106, 107 ва 108-моддалари бир қисмдан иборат бўлиб, жабрланувчи шахслар икки ёки ундан ортиқ шахс бўлса, бундай ҳолатларда жазо тайинлаш амалиётида юзага келаётган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ЖКнинг 100, 101, 107 ва 108-моддаларини **«Икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этганлик учун жиноий жавобгарлик»** назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолат билан тўлдириш таклиф этилади.

9. ЖКнинг 121-моддаси номини **«Шахсни жинсий характердаги ҳаракатларга мажбур қилиш»** ва биринчи қисми диспозициясини **«Шахсга ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд шахс учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ёхуд шахснинг хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан қарамлигидан фойдаланган ҳолда жинсий алоқа қилишига ёки шунга ўхшаш**

жинсий характердаги ҳаракатларни содир этишига мажбур этиши», деб бериш таклиф этилади.

III. Суд амалиёти ва виктимологик профилактика фаолиятини такомиллаштиришга оид тавсиялар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумнинг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сон қарорида ва ЖКнинг 54-моддасида «жазо тайинлаш вақтида айбдор шахс билан бир қаторда, *жиноятда жабрланган шахсни ҳам эътиборга олиш*» лозим бўлган ҳолатлар кўшимча сифатида киритиш таклиф этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сон қарорининг биринчи бандига «*Ҳар бир иш бўйича айб шакли, қотиллик сабаблари, жабрланувчи билан айбланувчининг ўзаро муносабатлари, мақсади ва усули аниқланиши, шунингдек қилмишни тўғри ҳуқуқий баҳолаш ва айбдорга адолатли жазо тайинлаш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар текширилиши керак*», деган кўшимча киритиш таклиф этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сон қарорини: «*2¹. Судлар номусга тегишга оид ишларни кўраётганда, иш ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириши лозимлиги тўғрисидаги қонун талабларига қатъий амал қилишлари шарт.*

Ҳар бир иш бўйича айб шакли, жиноятнинг сабаблари, жабрланувчи билан айбланувчининг ўзаро муносабатлари, мақсади ва усули аниқланиши, шунингдек қилмишни тўғри ҳуқуқий баҳолаш ва айбдорга адолатли жазо тайинлаш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар текширилиши керак», деган банд билан тўлдириш таклиф этилади.

4. Жиноятлардан жабрланган шахсларни ҳисобга олиш тизимини босқичма-босқич ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97, 98, 100–113, 118–121, 127–129, 136–140-моддалари бўйича жабрланувчилар ҳисобини юритиш (ташкил этиш механизми: одам савдоси жинояти жабрланувчилари ҳисобга олинган тизимдан фойдаланган ҳолда дастлабки тергов жараёнидан сўнг жабрланувчи деб эътироф этилган шахсларни рўйхатга олиш) мақсадга мувофиқ.

5. Виктимологик профилактика бўйича Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар қонунчилигининг қиёсий таҳлили бу борадаги халқаро ва хорижий тажриба потенциал ва реал жабрланувчилар ҳисобига профилактика ишини ривожлантириш заруратини келтириб чиқаради. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси бўйича халқаро ва хориж тажрибасини имплементация қилишнинг асосий йўналишлари:

а) жиноят жабрланувчиларининг ижтимоий мавқеини ошириш ва ҳаётининг сиёсий ва ижтимоий, иқтисодий соҳаларида жабрланувчилар тенг ҳуқуқлилиги тамойилини амалга оширишни таъминлаш;

б) ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, одам савдоси ва фоҳишалikka қарши курашиш билан боғлиқ аёлларга нисбатан зўравонлик сабабларини аниқлаштириш;

в) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни адолатли тергов қилиш ва рўйхатга олиш ишини яхшилаш;

г) жиноят жабрланувчилари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг муомаласига оид масалаларни ҳал этишдан иборатдир.

6. Шахснинг виктимологик тавсифи ва жабрланувчининг хулқини ўрганиш асосида шахсни турли жинойӣ тажовузлардан ўзини сақлаш ва ҳимоя қилиш бўйича қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

а) аҳолининг муайян контингентига уларнинг ёши, жинси, яшайдиган жойининг хусусияти, касбий фаолияти, турмуш тарзи ва бошқа ҳолатларга қараб уларнинг шахсий хавфсизлигини юқори даражада таъминлайдиган қоидаларни тушунтириш;

б) шахсга уларга нисбатан қилинаётган тажовузлардан ҳимоя қилиш қоидаларини ўргатиш;

в) жиноятчилар билан юзма-юз келганда муайян ҳаракатларни амалга ошириш усулларини, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш тартиби, уларнинг жойлашган жойи, мурожаат қилиш тартиби кабиларни ўргатиш;

г) виктим-провокация қилиш хусусияти юқори бўлган кишилар гуруҳи ва алоҳида шахслар устидан қонунда белгиланган тартибда ижтимоий назоратни ташкил қилишни таъминлаш;

д) бундай шахсларнинг хулқи ғайриқонуний тус олганда ҳамда мансабдор шахслар ва ота-оналарнинг шундай салбий хулқининг олдини олиш юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлари тақдирда, уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш;

е) виктим хулқининг пайдо бўлиш имкониятларининг олдини олишга ҳамда ижтимоий тартибни сақлашга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ва тавсия қилиш (масалан, ривожланган айрим давлатларда жабрланганларга ижтимоий ёрдам бериш ташкилотларининг фаолияти ва улар ҳуқуқий механизмнинг ишлаб чиқилганлиги ва амалда бўлган дастурларни келтириш мумкин);

ж) латент жиноятчиликни камайтириш учун: биринчидан, очилмай қолган жиноятларнинг турлари, содир этилиш усули, содир этишнинг хусусиятларига қараб рўйхатга олиш ишларини автоматлаштириш, содир этилган жиноят ва унинг мазмунини тўла ифодаловчи карточкалар тузиб, уларни рўйхатга олиш; иккинчидан, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг латентлигини камайтиришга қаратилган чораларнинг самарадорлигини ошириш учун жиноятлар ва уларнинг виктимлигига оид статистикаси билан шуғулланадиган илмий тадқиқот муассасаси ташкил этилиши лозим.

7. Ўтказилган тадқиқот шундан далолат бермоқдаки, виктимологик профилактика самарадорлигини ошириш, аввало, қуйидаги энг долзарб вазифаларни ҳал этишни тақозо қилади:

– ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг, потенциал ҳуқуқбузарларни аниқлашга йўналтирилган ва потенциал жабрланувчиларга нисбатан олдини олиш таъсирини четда қолдирадиган анъанавий ёндашувни кескин равишда ўзгартириш;

– жабрланувчилар билан ўзаро ҳурмат муносабатини шакллантириш, уларга эътиборли ва ғамхўр муносабатда бўлишга ўргатиш мақсадида, махсус ўқишларни ташкиллаштириш;

– зўрлик ишлатиб содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш ва зўрликдан жабрланганларни муҳофаза қилишга қаратилган ҳуқуқий чораларни такомиллаштириш (биринчи навбатда, барча шахсларнинг одил судловда жабрланувчилар билан адолатли ва эътиборли муносабатда бўлиши, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши);

– маълумотлар базасини, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жабрланувчиларга оид маълумотларни ҳисобга олиш ва ҳисоботларини такомиллаштириш;

– жиноятчиликка қарши курашиш дастури билан узвий боғлиқ бўлган комплекс мазмундаги мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш;

– зўравонликдан жабрланганларга ҳуқуқий ва руҳий кўмак берувчи жамоатчилик марказларини ташкил қилиш бўйича фаолликни ошириш;

– фуқароларнинг ҳуқуқий тарбияси, ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳуқуқий тарғибот, ташвиқот ишлари ва оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш.

8. Республикамиз маҳаллаларида зўрлик ишлатиб содир этилаётган жиноятдан жабр кўрганлар учун «Ижтимоий мослашув» марказларининг филиалларини ташкил қилиш таклиф этилган. Шу ўринда шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятларнинг 38 %ини оила ва маиший соҳада содир этилган жиноятлар ташкил этишини ҳисобга олиб, «Ижтимоий мослашув» марказлари қошида оилада зўравонликка учраган аёллар, вояга етмаганлар, қариялар учун ҳам ҳуқуқшунослар, психологлар ва бошқа мутахассислар хизмати ташкил этилиши лозим.

9. Хориж тажрибасини ўрганиш натижасида таълим муассасаларида виктимология, яъни ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлардан ўзини ҳимоя қилишга оид ўқув курсларини ташкил қилиш ва махсус тренинглар ўтказиш, ўзини ўзи ҳимоя қилиш усулларини ўзлаштиришга доир таклиф ва тавсиялар илгари сурилади.

10. Хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш натижасида профилактика хизмати бўлинмаларининг функцияларини кенгайтириш ёки зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноят жабрланувчиларининг виктимологик профилактикаси билан шуғулланадиган махсус бўлинмалар ва «**Виктимологик профилактика**» ягона электрон порталининг ишини ташкил қилиш таклиф этилади.

Бу бўлинмалар зўравонликдан жабрланганларнинг картотекасини, уларнинг ҳисобини юритиш ва ахборотлар базасини шакллантириш вазифасини бажаради. «**Виктимологик профилактика**» ягона электрон порталининг ишини ташкил қилиш орқали эса, жиноятлар виктимлигининг олдини олиш билан

шуғулланувчи субъектларнинг ахборот алмашуви механизмлари яратилиб, шу жумладан мавжуд маълумотлар ва жорий воситалар хатловдан ўтказилади. Ушбу портал ўз ичига ҳар бир жабрланган шахснинг паспортизация асосидаги маълумотларини олади. Тадқиқот натижасида жабрланган шахсларнинг картотекаси яратилган.

11. Профилактика инспекторлар шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси бўйича маъмурий ҳудудда яшовчи фуқароларга қуйидагиларни тушунтиришга алоҳида эътибор қаратишлари лозим:

ички ишлар, прокуратура органлари ва судга шахсга қарши зўравонлик содир этилганлиги ёки содир этилиши билан кўрқитилганлиги ҳақида мурожаат этишини;

тиббий муассасага мурожаат қилиш ва биринчи тиббий ёрдам олишни; зўравонликлардан жабрланган шахсларни эса вақтинча хавфсиз жойда (реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ёки ота-она ёхуд бошқа қариндош-уруғлар олдида) бўлишини тушунтириш;

ҳимояланиш учун шахсий хавфсизлик ҳақида ёки ҳуқуқий ҳимоянинг мавжуд усул ва воситалари ҳақида юридик маслаҳат олишни;

зўравонлик содир этган шахснинг хулқ-атворини жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш ва унга танбеҳ бериш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилиш ва бошқалар.

Тадқиқот доирасида ўрганилган таҳлилларга асосланиб, ички ишлар органларини жиноятлар профилактикаси бўлимида содир этилган зўравонликларнинг ҳолатлари ва ундан жабрланган шахслар ҳақидаги «**Маълумотлар базасини**» шакллантириш ҳамда унда қуйидаги маълумотлар жамланиши тавсия этилади:

– шахсга нисбатан зўравонликлар (қачон, қайси маъмурий ҳудудда, қандай турдаги жиноят содир этилганлиги) тўғрисида;

– уни содир этган ёки содир этишга мойил шахслар тўғрисида;

– зўравонликлардан жабрланган шахслар тўғрисида;

– зўравонликлардан жабрланган шахсларга кўрсатилган ёрдам ва хизматлар тўғрисида;

– ички ишлар органлари томонидан шахсга нисбатан зўравонликлар бўйича кўриб чиқилган ишлар сони ва кўрилган чоралар ҳақида;

– шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг фактлари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа органларга мурожаатлар сони тўғрисида;

– шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар юзасидан судда кўрилган ишлар сони ва қўлланилган чоралар ҳақида.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЮРИДИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

НИЁЗОВА САЛОМАТ САПАРОВНА

**ВИКТИМОЛОГИЧЕСКАЯ ПРОФИЛАКТИКА ПРЕСТУПЛЕНИЙ
ПРОТИВ ЛИЧНОСТИ, СОВЕРШАЕМЫХ С ПРИМЕНЕНИЕМ
НАСИЛИЯ**

12.00.08 – Уголовное право. Предупреждение правонарушений.
Криминология. Уголовно-исполнительное право

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора юридических наук (Doctor of Science)

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора наук (Doctor of Science) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.DSc/Yu47.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном юридическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском) на веб-сайте Научного совета (www.tsul.uz) и Портале Информационной образовательной сети «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Официальные оппоненты:

Рахмонова Сурайё Махмудовна

доктор юридических наук, доцент

Отажанов Абдоржон Анварович

доктор юридических наук, профессор

Расулев Абдулазиз Каримович

доктор юридических наук, доцент

Ведущая организация:

Военно-технический институт Национальной гвардии Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится «5» июня 2020 года в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 при Ташкентском государственном юридическом университете. (Адрес: 100047, г.Ташкент, улица Сайилгох, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

С докторской диссертацией (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного юридического университета (зарегистрировано за №913. (Адрес: 100047, г.Ташкент, ул. А.Темура, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Автореферат диссертации разослан «13» марта 2020 года.
(протокол реестра №17 от «13» марта 2020 года).

У.А.Тухташева

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук (DSc), профессор

Д.Г.Камалова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по юридическим наукам (PhD)

Г.З.Тулаганова

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Во всем мире ускорение глобализации свидетельствует о росте насилия. По данным ООН, «результаты всемирного опроса, проведенного в 2019 году показывают, что 35% женщин во всем мире в течение жизни подвергались по меньшей мере один раз физическому, психическому насилию. В 2018–2019 годах 72% всех выявленных жертв торговли людьми в мире составляли женщины, в том числе несовершеннолетние девочки (23%), кроме того, каждые четыре из пяти жертв торговли детьми являются девочками»⁸, что свидетельствует о необходимости совершенствования методологических основ виктимологической профилактики преступлений, совершенных с применением насилия, развития этой системы, разработки эффективных механизмов восстановления нарушенных прав лиц.

В мире на основе виктимологической профилактики преступлений с применением насилия, определения специфических направлений правового регулирования в уголовно-правовом и криминологическом аспектах, наблюдается тенденция к совершенствованию данной сферы, приведению национального законодательства в соответствие с международными стандартами и укреплению межгосударственного сотрудничества в этой сфере. В частности, представляет актуальность борьба с преступностью, возникновение феномена насилия, характеристика личности насильника, предупреждение преступлений, совершаемых с применением насилия, криминологическая и виктимологическая характеристика этих преступлений, определение уровня виктимности населения, разработка эффективных мер защиты личности от насилия, имплементация норм международного права в национальное законодательство.

В республике создана своеобразная национальная система и нормативно-правовые основы касательно предупреждения виктимности преступлений, в результате придания особого значения приведению ее в соответствие с международными стандартами, вопросам охраны граждан от различных правонарушений и преступлений уделяется внимание на уровне государственной политики. С этой точки зрения, «совершенствование и либерализация норм уголовного и уголовно-процессуального законодательства, декриминализация отдельных уголовных деяний, гуманизация уголовных наказаний и порядка их исполнения, повышение эффективности координации деятельности по борьбе с преступностью и профилактике виктимности правонарушений»⁹ определены среди основных направлений развития судебной-правовой сферы, исследования данной отрасли показывают, что учет поведения потерпевшего при назначении наказаний за насильственные преступления против личности,

⁸ <https://www.unwomen.org/en/what-we-do/ending-violence-against-women/facts-and-figures#notes>.

⁹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст.70.

совершенствование виктимологической профилактики этих преступлений и их исследование имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной мере послужит реализации задач, определенных в Законах Республики Узбекистан «О профилактике безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних» (2010), «О профилактике правонарушений» (2014), «О защите женщин от притеснения и насилия» (2019), Указа Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП–4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановлений от 14 мая 2018 года №ПП–3723 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства», от 2 июля 2018 года №ПП–3827 «О мерах по совершенствованию системы социальной реабилитации и адаптации, а также профилактики семейно-бытового насилия» и иных актов отраслевого законодательства.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных-исследований по теме диссертации¹⁰. Научные-исследования по виктимологической профилактике преступлений против личности, совершаемых с применением насилия, проводятся в ведущих научно-исследовательских центрах и высших образовательных учреждениях мира. В частности, они проводятся в National Institute for Assistance for Victims (INAVEM) (Франция), National Organisation for Victim Support – NOVS (Нидерланды), National Association of Victim Support Schemes (Великобритания), Academy of Criminal Justice Sciences (США), Department of Reproductive Health and Research, South African Medical Research Council, ЮАР), Japanese Association of Victimology (JAV) (Япония), Indian Society of Victimology (ISV) (Индия), the South Asian Society of Criminology and Victimology (SASCV) (Афганистан, Пакистон, Бангладеш), Preventing Trafficking and Protecting Victims in Moldov (Республика Молдова), Ташкентском государственном юридическом университете, а также

¹⁰ Обзор международных научных исследований по теме диссертации получен из: Майоров А.В. Международный опыт защиты жертв преступлений (Научная статья) // материалы 66-научной конференции Южно-Уральского государственного университета (апрель 2014 года): веб-сайт-[http:// www. susu.ac.ru.](http://www.susu.ac.ru/); South Asian Society of Criminology and Victimology (SASCV) <http://www.sascv.org>; South Asian Society of Criminology and Victimology (SASCV) <http://www.sascv.org>; Preventing Trafficking and Protecting Victims in Moldova / International Organization for Migration <https://www.iom.int/preventing-trafficking-and-protecting-victims-moldova>; Affiliated Organizations: Japan <http://www.worldsocietyofvictimology.org/nationalvs/japan.html>; Affiliated Organizations: Japan <http://www.worldsocietyofvictimology.org/nationalvs/japan.html>; Dubourg R., Hamed J., Thorns J. The Economic and Social Costs of Crime against Individuals and Households 2003/2004. – London: Home Office. – June, 2005. – P.44.; Preventing Trafficking and Protecting Victims in Moldova / International Organization for Migration [https:// www.iom.int / preventing-trafficking-and-protecting-victims-moldova](https://www.iom.int/preventing-trafficking-and-protecting-victims-moldova) и других источников.

Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан (Республика Узбекистан).

В исследованиях касательно особенностей виктимологической профилактики насильственных преступлений против личности и их совершенствования достигнуты определенные научные результаты. В частности, представлены и изучены первые результаты применения на практике законов о возмещении ущерба, причиненного потерпевшим в результате насильственных преступлений, Japanese Association of Victimology (JAV); изучены вопросы компенсации материального и морального ущерба, причиненного жертвам насилия, National Association of Victim Support Schemes (США, Великобритания); на основе комплексного подхода к повышению эффективности борьбы с преступностью, экономические и социальные аспекты применения насилия в отношении женщин (Department of Reproductive Health and Research, South African Medical Research Council, ЮАР); защита жертв торговли людьми (Preventing Trafficking and Protecting Victims in Moldova).

В мире осуществляются исследования по повышению эффективности виктимологической профилактики насильственных преступлений против личности в следующих приоритетных направлениях: защита прав потерпевших от преступлений против личности, совершенных с применением насилия, совершенствование правовых основ для предупреждения виктимности; выявлены «виктимность» и «виктимизация», «потерпевший», «отношения между преступником и жертвами», а также кто и как должен обращаться с жертвами; уровень профессионализма жертв и причины правового нигилизма; эффективность применения виктимологической профилактики; совершенствование мер по устранению причин виктимности преступлений против личности, совершаемых с применением насилия и др.

Степень изученности проблемы. Стоит отметить, что уголовно-правовые и криминологические аспекты виктимологической профилактики преступлений против личности, совершаемых с применением насилия, а также вопросы предупреждения таких преступлений в нашей стране изучены недостаточно. Их некоторые аспекты исследованы такими учеными нашей страны, как К.Р.Абдурасулова, А.А.Атажанов, О.Г.Зокирова, Ф.Тахиров, К.П.Пайзуллаев, М.К.Уразалиев, Ж.Х.Хамидов, С.Б.Хужакулов, М.Х.Рустамбоев, И.Исмоилов, Ж.С.Мухторов¹¹ и др.

Среди зарубежных ученых, изучивших некоторые криминологические аспекты виктимологической профилактики насильственных преступлений против личности, можно отметить С.Н.Абельцева, К.А.Адигюзелова, А.В.Баскова, Т.В.Варчука, О.Н.Вишневецкого, А.А.Гаджиеву, В.И.Задорожного, В.Е.Квашиш, Н.К.Котову, В.П.Коновалова, Ю.А.Клейберга, В.Н.Кудрявцева, Н.Ф.Кузнецову, В.В.Лунеева, И.В.Лиманской, А.В.Наумова, Л.Е.Остроумова, С.А.Потапова, Г.М.Резника,

¹¹Научные работы данных ученых приведены в списке использованной литературы.

В.Я.Рыбальской, Н.Х.Сафиуллина, Э.Л.Сидоренко, А.Л.Ситковского, С.В.Склярова, Я.Г.Скурту, Л.В.Франка, В.Г.Христенко, Е.Е.Центрова, Г.И.Чечель, П.В.Чурсину, Н.Н.Шаповалову, Н.Е.Шинкевича, В.Е.Эминова, Х.Кэрола, Д.Рассела, Р.Стефани, Л.Шелли, Д.Шели, Г.Й.Шнайдера, Ф.А.Меликову.

Среди ученых зарубежных стран, изучавших виктимологические аспекты изнасилования, можно отметить исследования таких ученых, как Ю.М. Антонян, С.Г. Войтенко, Б.В. Журавлева, В.И. Полубинский, А.Л.Репецкая, Д.В. Ривман, В.С. Устинов, Н.Н. Коновалов, В.С. Минская, Е.Ю. Мощицкая, И.Г.Малкина-Пых, С.В.Надтока¹². Однако, поскольку в научных трудах вышеупомянутых ученых были изучены общие аспекты этого вопроса, аспекты касательно виктимологической профилактики преступлений против личности, совершаемых с применением насилия, были оставлены без внимания.

Также не было комплексного подхода к повышению эффективности норм закона касательно виктимологической профилактики преступлений против личности, совершаемых с применением насилия. Поэтому комплексное изучение этого вопроса имеет актуальное значение.

В нашей стране не проводилось специального исследования, которое охватывает виктимологическую профилактику преступлений против личности, совершаемых с применением насилия. Также, в исследованиях, проведенных до настоящего времени, не были глубоко изучены и не нашли своего решения такие вопросы, как место потерпевшего в насильственных преступлениях против личности; процесс виктимизации в этих преступлениях и их последствия; виктимологические причины (детерминанты) насильственных преступлений; учет поведения жертвы при назначении наказания за преступление против личности, совершенное с применением насилия; виктимологическая профилактика преступлений против личности, совершенных с применением насилия. Криминологические, виктимологические и уголовно-правовые аспекты данной проблемы не нашли своего решения. Предложения и рекомендации по виктимологической профилактике этих преступлений не разработаны.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, в котором выполнена диссертация. Тема диссертации включена в план научно-исследовательских работ Ташкентского государственного юридического университета, и реализована в соответствии с научными направлениями научно-практического проекта гранта «Инновационные методы и средства предупреждения и профилактики правонарушений».

Цель исследования состоит в нахождении решений проблем, выявленных на основе комплексного изучения виктимологической профилактики преступлений против личности, совершаемых с применением

¹²Научные работы данных ученых приведены в списке использованной литературы.

насилия, а также разработке предложений и рекомендаций касательно совершенствования предупреждения данных преступлений.

Задачи исследования:

анализ понятия применение насилия в отношении личности и преступлений, совершаемых с применением насилия, а также их видов;

выявление возникновения личности потерпевшего в преступлениях против личности, совершаемых с применением насилия;

анализ целей и задач виктимологической профилактики преступлений против личности, совершаемых с применением насилия;

анализ личности потерпевшего и его поведения в преступлениях против личности, совершаемых с применением насилия;

исследование виктимологической типологии жертв преступлений против личности, совершаемых с применением насилия;

совершенствование уголовного законодательства касательно поведения потерпевшего при назначении наказания виновному и предупреждении виктимности;

изучение латентности преступлений против личности, совершаемых с применением насилия и ее влияния на процесс виктимизации;

